O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил 14 июль ШАНБА

№ 57 (11.964)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади



Кадрлар тайёрлаш миллий дастури барча йўналишлар бўйича изчил бажарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси битирувчиларига дипломларни топшириш маросимида бу яққол кўзга ташланди. Бу йил кундузги таълимни 488 тингловчи тамомлади. Уларга «лейтенант» унвони берилиб, дипломлар топширилди. Ёш офицерлар амалий фаолият жабҳасига дадил қадам қўйишди.

**Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.**

## САМАРАЛИ МУЛОҚОТ

**Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири Рустам Қосимов билан учрашди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча жабҳаларда, жумладан, таълим соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Музокарада ҳамкорликда ўзаро манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида навбатдаги Алмашув ноталари имзоланди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ юртимиздан йигирма нафар талабанинг ўз мутахассислиги бўйича Япониянинг нуфузли университетлари магистратура босқичида таҳсил олиши учун 307 миллион иена (қарийб уч миллион АҚШ доллари) ажратилади.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларига ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар ўрта ҳисобда 1,25 баравар оширилсин.

2. 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 15525 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 30750 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 15525 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 30750 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 18625 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек, жорий йил бошидан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пасайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 октябрдаги ПФ-3808-сон Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2007 йил 1 августдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2007 йил 10 июль.

## ҲАМКОРЛИКДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

**Тошкентда миллий қонунчиликни «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонунга мувофиқлаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. У парламент Омбудсмани томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, нодавлат ташкилотлар раҳбарлари, Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус ҳамда Россия, Озарбайжон, Испания омбудсман институтлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, экспертлар ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С. Рашидова бошқарди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Ф. Отахонов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизими яратилганини таъкидлашди.

Мазкур учрашув учта ялпи сессия шаклида ўтказилди. Улар «Омбудсман фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш: хориж тажрибаси», «Омбудсман тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари», «Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида омбудсман ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари» каби мавзуларга бағишланди.

Давра суҳбати қатнашчилари омбудсман фаолияти, чет мамлакатлар омбудсманлари тажрибаси билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан фикр алмашишди.

**ЎзА.**

### Тақдимот

## ПСКЕНТДА ЯНГИ ЎҚУВ МАРКАЗИ

**Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан вилоятимиз шаҳар ва туманларида қатор маданий-маърифий ўқув марказлари фойдаланишга топширилмоқда. Кеча Пскент туманида ана шу мақсадларга хизмат қиладиган яна бир «Тадбиркор аёллар» ўқув маркази ўз фаолиятини бошлади. Марказ вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси ҳамкорлигида Япония ҳукуматининг Тошкентдаги ваколатхонаси кўмагида ташкил этилди.**



Мазкур лойиҳа доирасида ўқув маркази учун 22 минг 369 АҚШ доллари миқдорида грант ажратилиб, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, ёшларни касб-ҳунарга бўлган иқтидорини қўллаб-қувватлашга, шунингдек, келажакда шахсий тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиш мақсадларига йўналтирилди.

– Ўқув маркази туманимиз аҳолиси, айниқса, ёшлари учун айни муддао бўлди, – дейди ўқув маркази раҳбари Турдиали Умаралиев. – Сабаби, ёшларимиз ҳунар ўрганиш илинжида тумандан ташқари, масалан пойтахтдаги ўқув курсларига қатнашарди. Энди эса, бу муаммо бартараф этилди. Чунки, марказимизда оила бекалари учун пазандалик, чеварлик, соч турмаклаш, шунингдек, янги иш бошлаган тадбиркорларимизга бухгалтерия ҳисоби, компьютер саводхонлиги курслари очилди. Тингловчилар уларда малакали мутахассислар кўмагида қўшимча ҳунар ўрганадилар. Қолаверса, инглиз, япон, араб тилларини ўргатиш бўйича етук тилчиларни ҳам жалб этганмиз. Бунинг учун ажратилган грант асосида тикув машиналари, компьютер тўпламлари, маиший хизмат кўрсатиш асбоб-ускуналари ўрнатилиб, ҳозирда ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади. Талабгорларга 5 нафар олий ва 3 нафар ўрта-махсус маълумотли мураббийларимиз ҳунар ўргатишади. Ҳозирда 145 нафар ўқувчимиз бор. Улар 72 соатли дастур бўйича 3 ой давомида таълим олиб, курс якунида махсус сертификатга эга бўладилар. Келгусида «Уй ҳамшираси» ва «Оила бекаси» йўналишларида ҳам ўқув курсларини ташкил этиш ниятидамиз.

Тақдимот маросимида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиласи Хироко Китомура, вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Гулнора Маҳмудова, Пскент тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гўзал Назирқулова ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари сўзга чиқиб, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ҳамкорликдаги лойиҳа истиқболи хусусида сўз юритишди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**





**СУРАТЛАРДА:**
тақдимот маросими пайти; ўқув жараёнидан лавҳалар.
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги "2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги ПФ-3889-сонли Фармонига

## ШАРҲ

Фуқароларнинг моддий фаровонлигини муттасил ошириб бориш, аҳолининг аниқ ва ишончли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда ўртача иш ҳақи миқдори 2006 йилнинг охирига келиб 187,6 минг сўмга ёки 150 АҚШ долларига етди. Айни вақтда ушбу кўрсаткич саноатда 301,4 минг сўмни, алоқа тизимида – 293,8 минг ва транспорт тизимида – 285,9 минг сўмни ташкил этди.

Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдорлари 2006 йилнинг ўзидагина 44 фоиз, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда тиббиёт ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорлари эса, моддий рағбатлантиришни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, ўртача 2 баравар кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ушбу Фармон мамлакатимизда аҳолининг меҳнат ҳақи ва турмуш даражасини изчиллик билан ошириб боришни таъминлаш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирларнинг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги Фармони билан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча тоифалардаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар шу йилнинг 1 августидан бошлаб 1,25 баравар оширилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйидагиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорлари:

– маориф соҳаси ходимлариники – 100 минг сўмдан, шу жумладан ўқитувчиларники – 117 минг сўмдан ошади;

– соғлиқни сақлаш ходимлариники кўпайиб, 87 минг сўмга етади,

шифокорлариники эса – 128 минг сўмдан ошади.

Жорий йилнинг 1 августидан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдори амалдаги 12420 сўм ўрнига 15525 сўмни ташкил этади. Шунга мувофиқ, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар, компенсация ва бошқа тўловлар мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Аҳолига иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини ошириш Давлат бюджети, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан таъминланади. Ушбу мақсадлар учун 2007 йилнинг охиригача салкам 460 миллиард сўм маблағ қўшимча равишда ажратилади.

Мазкур Фармонда хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш билан боғлиқ ҳолда ошириш ҳам назарда тутилган. Бундан ташқари, хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ходимлари иш ҳақини оширишнинг ишончли манбаларини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг бошидаёқ хўжалик юритувчи субъектларнинг даромад (фойда) солиғи ставкаси 12 фоиздан 10 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси эса 13 фоиздан 10 фоизга пасайтирилди. Шунинг ҳисобига бўшайдиган 104 миллиард сўмдан кўпроқ миқдордаги маблағ хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини оширишга мақсадли тартибда йўналтирилади.

Умуман олганда, Республика Президентининг мазкур Фармони қабул қилинишини 2010 йилгача аҳолига иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини 2,5 баравар оширишдан иборат кенг миқёсли дастурнинг амалга оширила бошланиши, деб билиш керак.

### ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

## ХОТИН-ҚИЗЛАР МАРАФОНИ

**Бўстонлиқ туманида “Репродуктив саломатлик ва соғлом турмуш тарзи нима?” мавзуида хотин-қизлар ўртасида семинар-тренинг ҳамда бутунжаҳон аҳолишунослик кунига бағишланган аёллар ўртасида югуриш марафони ўтказилди.**

Дарҳақиқат, аёл зийрак, ақлли, доно ва соғлом бўлса, унинг хонадони файзли, фарзандлари етук, меҳнаткаш, ҳалол, фидойи инсон бўлиб тарбияланишига шак-шубҳа йўқ.

Тадбирда иштирок этган 150 нафардан ортиқ хотин-қизлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди. Хусусан, уларга ВИЧ инфекцияси ва ОИТС касаллигининг келиб чиқиш сабаблари, унга қарши курашиш йўллари ҳақида кенгроқ маълумот берилди. Тадбир иштирокчилари бундай анжуманларни барча маҳаллаларда тез-тез ўтказиб турилса, мақсадга мувофиқ бўлишини алоҳида таъкидлашди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**“Туркистон-пресс”.**

## ХАККАРМАНДА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

**Ангрен шаҳар, Хаккарман маҳалласини тоғ ён бағридаги яшил яйлов билан боғлаб турувчи тўрт юз метрли кўприк кўп йиллардан бери аҳолига беминнат хизмат қилиб келаётган эди.**

Аммо вақт ўтган сари мустаҳкам тўсинлар ҳам анча бўшашиб, ундан ўтиш хавфли бўлиб қолди. Маҳалла раиси Зуҳра Юнусованинг айтишича, шаҳар ҳокимлиги, Ангрен ИЭСи, «Тошкентиккиламчиқораметалл» бошқармаси Ангрен филиалининг ҳомийлигида кўприк қайта тикланиш арафасида.

– Ҳомийларимиз кўприкни мустақиллик байрамигача тўлиқ таъмирдан чиқариб беришмоқчи, – дейди раис.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

## ОРОМГОҲНИНГ ИККИНЧИ МАВСУМИ

**Қамчиқ довонида жойлашган «Коинот» болалар дам олиш оромгоҳида иккинчи мавсум учун яна 362 нафар бола қабул қилинди.**

Уларнинг 85 нафари Ангрен шаҳридаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидир.

Болалар оромгоҳ тарбиячилари томонидан тайёрланган саҳналаштирилган томошалардан баҳраманд бўлиб, анъанавий гулхан ёқиш маросимида иштирок этдилар.

**Ибодилла МЎМИНОВ.**

# ҚОНУНЛАР ТАРҒИБОТИ – МУҲИМ ВАЗИФА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларнинг нормаларини амалга татбиқ қилишга бағишланган идоравий кенгаш бўлиб ўтди.**

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Ислоҳотларнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда умумэътироф этилган халқаро нормаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, дахлсизлиги, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини шакллантиришга қаратилган. Хусусан, бунда жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини босқичма-босқич либераллаштириш юзасидан қилинаётган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Ф. Отахонов бугунги кунда халқимиз ва жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турган Ўзбекистонда ўлим жазосининг жиноий жазо тизимидан чиқариб ташланиши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа эканлигини алоҳида таъкидлади. Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар маъқуллангани юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий ифодасидир.

Маълумки, ҳар қандай қонуннинг самараси, аввало, ҳуқуқни қўлловчи органлар ходимлари томонидан унинг нормалари қай даражада тўғри ва тўлиқ тушунилишига боғлиқ. Шу боис эндиги муҳим вазифа мазкур қонунларнинг мазмун-моҳиятини ижрочилар ва халқимизга тўла етказиш ҳамда кенг кўламда тушунтириш ишларини олиб боришдир. Бунда адлия органларига алоҳида масъулият юкланади. Бинобарин, ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот борасида давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазирликнинг асосий вазифаларидандир.

Кенгашда адлия органларининг қонунларни тушунтириш ва тарғиб қилиш юзасидан келгусида минтақавий ва улар доирасида ишчи кенгашлар, конференциялар, хорижлик мутахассислар иштирокида халқаро давра суҳбатлари ўтказилишига оид вазифалари, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризация қилиш ҳамда амалдаги қонунчиликка мослаштириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш борасидаги масалалар таҳлил қилинди.

Қонунларни ижрочилар ҳамда аҳолига тушунтиришда Адлия вазирлиги томонидан яратилган қонун ҳужжатларининг миллий базаси, "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" нашри ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари имкониятларидан унумли фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратилди. Республика юристлар малакасини ошириш марказининг ўқув курсларида мазкур қонунларни қўлловчи суд-ҳуқуқ тизими ходимларини ўқитиш зарурлиги таъкидланди.

Қайд этилган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий аҳамиятини ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар самарасини кенг жамоатчиликка, дунё ҳамжамиятига етказишга йўналтирилган нашрлар тайёрлаш лозимлиги айтилди. Келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТОШ-ТАРОЗИНГИЗ ҲАЛОЛМИ?

**Бугун Ўзбекистон бозорларидаги мўл-кўлчиликни кўриб, кўз қувонади. Улардан истаган нарсани топиш ва харид қилиш мумкин. Сархил мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари, тайёр буюмлар ҳар қачонгидан сероб. Бозорлар илгаригидек ярим хуфиёна савдо-сотиқ қилинадиган, тақчил товарлар топиладиган жой эмас, балки халқимиз фаровонлигининг ифодаси, ўзига хос ижтимоий-иқтисодий марказга айланган. Шу боис уларнинг фаолиятини замон талаблари асосида янада такомиллаштириш долзарб вазифалардандир.**



Ўзбекистон Республикаси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги – "Ўзстандарт"да ўтган амалий семинарда шу ҳақда гап борди. Тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, бозорлар уюшмалари раҳбарлари иштирок этган ушбу тадбирда бозорларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, санитария ҳолатини, сотувчи ва харидорлар учун яратилган шарт-шароитларни яхшилашга доир масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

"Ўзстандарт" агентлиги бош директори Р. Бўриев бошқарган семинарда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Буни мўл-кўлчилик ўз ифодасини топган бозорларимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда бозорлар фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий бинолар ва инфратузилмаларга эга кўплаб янги бозорлар барпо этилиб, мавжудлари реконструкция қилинди. Уларда сотувчи ва харидорлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Кўпчилик деҳқон бозорларида ўзи етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотаётган фермерларга савдо расталаридан жой бепул тақдим этилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифати сотувга чиқарилишидан олдин тегишли лабораторияларда мутахассислар томонидан қатъий назоратдан ўтказилади, сотувчилар эса давлат қиёслаш кўригидан ўтказилган тош-тарози ва бошқа ўлчов асбоблари билан таъминланган.

Буларнинг барчаси бозорлар фаолияти самарадорлигини янада ошириб, уларда нарх-наво арзонлиги, товарлар сифатининг яхшиланиши, соғлом рақобат муҳитининг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Бироқ, деб таъкидланди семинарда, барча бозорлардаги аҳвол ҳам талаблар даражасида, деб бўлмайди. Бу, айниқса, айрим нопок сотувчиларнинг тош-тарозидан "уриб" қолишида ўз ифодасини топмоқда. Улар давлат қиёслаш кўригидан ўтган тош-тарозиларни ва бошқа ўлчов асбобларини атай бузиб, харидорлар ҳаққига хиёнат қилмоқда.

Кам бўлса-да, учраб турадиган бундай салбий ҳолатларга чек қўйиш учун давлат қиёслаш кўригидан ўтказилган тош-тарозилар ва бошқа ўлчов асбобларидан фойдаланиш кўламини янада кенгайтириш зарур. Айни пайтдаги таҳлиллар республикамизда тарозилар ва тарози тошлари сонини кўпайтириш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки мамлакатимиздаги мавжуд 234 бозордаги тарози ўрнатилиши лозим бўлган жами 49678 савдо нуқтасининг ярмидан кўпроғи тарозилар билан таъминланган, холос.

Тадбирда деҳқон бозорларида назорат тарозилари сонини кўпайтириш, уларни ўз вақтида давлат қиёслаш кўригидан ўтказишни таъминлаш, соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш, ветеринар-санитария экспертиза лабораториялари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Жасур КЕНГБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ИЮЛЬ – ҲОСИЛ ТЎПЛАШ ОЙИ

**Юртимизда бир миллион тўрт юз ўттиз беш минг гектардан кўпроқ майдонда пахта етиштирилмоқда. Ҳозир деҳқонларнинг бутун диққат-эътибори ғўзани агротехник талабларга мувофиқ сифатли парваришлашга қаратилган.**

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг пахтачиликни ва техник экинларни ривожлантириш бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, жойларда ғўзани суғориш ишлари қизғин давом этмоқда. Пахтакорларимизнинг шу кунлардаги муҳим вазифаларидан яна бири ғўзани чилпишдир. Уни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш ҳосилни кўпайтириш учун замин яратади. Жумладан, кўсакларнинг пишиб етилиши 7-10 кунга тезлашади ва ҳосилдорлик гектарига 2-3 центнерга ошади. Айни пайтда пахтадан юқори ҳосилдорликка эришиш мақсадида меҳнат қилаётган деҳқонлар бунга алоҳида эътибор бермоқда.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ПОЙТАХТДА БЎЛИБ ҚАЙТИШДИ

**Зангиота туманида «Опа-сингиллар» ногирон аёллар жамияти ташаббуси билан 100 дан зиёд ногирон болаларнинг Тошкентдаги Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғига саёҳати ташкил этилди.**

Боғнинг барча аттракционлари болалар хизматида бўлди. Тумандаги саховатпеша фермерлар ёрдамида улар кун бўйи мириқиб ҳордиқ чиқаришди.

**Мўмин ИБОДОВ.**

Танлов

# СОҒЛОМ ОИЛА – СОҒЛОМ ФАРЗАНД



**Чирчиқда «Соғлом оила – соғлом фарзанд» танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда бошланғич босқичда ғолиб чиққан 11 хотин-қиз иштирок этди.**

Танлов шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар кенгаши ташаббуси билан ташкил этилди.

Дастлабки синовлардаёқ ўз иқтидорини яққол намоён этган Шаҳноза Пардинова танлов охиригача олдинда борди. Унинг тиббиёт ва педагогикага оид саволларга жаволари, актёрлик маҳорати ва бошқа шартлардаги чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди. У қўшиқ айтиш, рақс ва миллий либослар тикиб, безак бериш соҳаларида ҳам бошқалардан устунлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, 19-маҳаллада яшовчи Шаҳноза Пардинова танловнинг мутлақ ғолиби деб топилди. Энди у вилоят босқичида иштирок этади.

Содиқ МУТАЛОВ.

**СУРАТЛАРДА:**
танловдан лавҳалар.
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**





# ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА БАҒИШЛАНДИ

**Пойтахтдаги Бунёдкор ёшлар телеклубида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва «Экосан» халқаро ташкилоти ҳамкорлигида иқлим ўзгаришига бағишланган тадбир ўтказилди.**

Бугунги кунда мутахассисларнинг асосий эътибори иқлим ўзгаришини ўрганиш, унинг табиат ва аҳоли учун келтириб чиқараётган оқибатларини аниқлашга қаратилган. Ана шу мақсадда ўтказилган «Иқлим ўзгариши» мавзусидаги семинарда ҳам иқлим билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар иқлимнинг исиши ёки совиши муайян давлатларнинг нафақат табиатига, балки халқнинг генофондига, иқтисодий, сиёсий шароитига ҳам ўз таъсирини ўтказишини алоҳида таъкидлашди.

Ўрта Осиёдаги Орол денгизи муаммоси, азон қатламининг емирилиши, ҳароратнинг кўтарилиши каби табиий экологик омиллар иқлим ўзгаришига ўзининг таъсирини ўтказмай қолмаяпти. Шундай экан, иқлимни табиий ресурс сифатида ҳозирги ва келажак авлодлар фаровонлиги йўлида ҳимоя қилиш ҳамда ҳаётимиз гултожи ҳисобланмиш инсоннинг бекаму кўст яшаши учун табиатни асраб авайлаш, экологик мутаносибликни сақлаш доимо долзарб ва муҳим вазифа бўлиб қолаверади.

Тадбирда аҳоли ўртасида экологик маданиятни шакллантириш, сувдан оқилона фойдаланиш, уни тежаш ҳамда ёшлар онгида табиатга муҳаббат ва уни асрашга бўлган эътиборни кучайтириш лозимлиги айтиб ўтилди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**«Туркистон-пресс».**

Тадбиркорлик

# ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

**Ангрендаги «Доро-шоколад» масъулияти чекланган жамияти хитой технологияси асосида ширинликлар тайёрлашни йўлга қўйди.**

– Шаҳримиздаги болалар истироҳат боғи яқинидан ажратилган 0,5 гектар тошлоқ майдонни ўзлаштириб, замонавий ишлаб чиқариш цехи биносини бунёд этдик, – дейди жамият раиси Масаид Масаидов. – Цех тўлиқ автоматлаштирилган. Бир кунда 1 тоннадан зиёд маҳсулот тайёрлаш имконияти мавжуд бўлган мазкур цех республикамиз мустақиллигининг 16 йиллиги байрами арафаларида тўла қувват билан ишлай бошлайди.



Маҳсулот хом ашёси тайёр ҳолда пекинлик ҳамкоримиз Ю Тан Хо кўмаги билан Хитойдан келтирилаяпти.

– Бу ширинликлар ўзининг мазаси, чиройли безаги билан хорижникидан қолишмайди, – дейди республика Савдо-саноат палатаси эксперти Кристина Фалькенбург маҳсулотга баҳо берар экан. – Бозор – рақобат майдони. Унда фақат харидоргир маҳсулотларгина ўрин олади. Ўйлайманки, «Доро-шоколад» ширинликлари харидорлари кўпайиб бораверади.

Ҳозирнинг ўзидаёқ бу ерда 10 дан ортиқ маҳаллий аҳоли иш билан банд бўлди.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

**СУРАТЛАРДА:**
бинонинг умумий кўриниши; цехда ишлаб чиқариш жараёни.
**Муаллиф олган суратлар.**



**Тошкентда Жанубий Кореянинг «Samsung elektroniks» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ушбу компания корхоналарида ишлаб чиқарилган янги техника ва технологиялар тақдимоти бўлиб ўтди.**

# КЎРГАЗМАДА «SAMSUNG ELEKTRONIKS»

Унда замонавий кўринишдаги ўнлаб маҳсулотлар намойиш қилинди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги савдо-иқтисодий, илмий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари йил сайин кенгайиб, ривожланиб бормоқда. Айни вақтда мамлакатимизда корейс инвестицияси иштирокидаги корхоналар 208 тани ташкил этади. Уларнинг ўттизга яқини мазкур давлатнинг юз фоиз сармояси асосида фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, мамлакатимиз телекоммуникация, медио технологиялар ва электроника бозорида ҳам мазкур давлат компаниялари алоҳида ўринга эга. Хусусан, электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўринда турувчи «Samsung elektroniks» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси иш бошлаганига тўққиз йил тўлди. «Samsung» савдо белгиси остида ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги турли янги электроника жиҳозларининг тақдимотига бағишланган анжуманда компания маҳсулотларининг сифат кўрсаткичи ва қулайликлари борасида атрофлича тўхталиб ўтилди. Матбуот анжуманида компания нафақат маҳсулотлар савдоси ва уларга техник хизмат кўрсатиш, балки қатор ижтимоий лойиҳаларда ҳам иштирок этаётгани қайд этилди. Анжуман давомида компаниянинг энг сўнгги технологиялари кўргазмаси ташкил этилиб, уларнинг имкониятлари ҳақида маълумот берилди.

**«Туркистон-пресс».**

# ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ АВЖИДА

**Бекобод туманидаги «Бекжон Мирза ота» хусусий корхонаси 2004 йилда ташкил топган бўлса-да, жамоа қисқа муддат ичида вилоятимиз туман ва шаҳарларидаги кўплаб қурилиш объектларида фаол қатнашиб келмоқда. Ўтган йили жамоа Бўка, Оққўрғон ва Ўртачирчиқ туманларидаги коллежлар қурилишига муносиб улуш қўшди.**

Бу йил эса бунёдкорлар Бекобод туманидаги Улуғбек номли фермерлар уюшмасида жойлашган 10-мактаб биносини мукаммал қайта таъмирлаб бердилар. Ушбу қурилиш объектида жами 360 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари муддатидан олдин – 5 ой ичида тугатилди. Абдураҳим Эргашев, Ҳусанбой Воҳидов, Умид Тўраев, Қурбонали Мўминов, Улуғбек Мансуров сингари жамоанинг моҳир аъзолари ғайрат-шижоати туфайли белгиланган режа ва топшириқлар ўз вақтида уддаланаяпти. Ҳозирда жамоада 48 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг ўртача иш ҳақи 150-200 минг сўмни ташкил этмоқда. Яқин кунлар ичида корхонада яна 10 та янги иш ўринлари очиш режалаштирилган.

Айни кунларда қурувчилар жамоаси тумандаги 5-мактаб ҳамда Бекобод шаҳридаги санъат коллежи биносини таъмирлашда қатнашмоқдалар. Шунингдек, «Далварзин» фермерлар уюшмасида аҳоли учун тураржой коттежлари қурилишида ҳам астойдил иш олиб боришаяпти.

Умуман олганда хусусий корхона жамоаси ярим йиллик якунига кўра 10 миллион сўм соф даромадга эришди. Йилнинг иккинчи ярим йиллигида эса улар қурилиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтира бориб, жами 300 миллион сўмлик иш бажаришга эришишмоқчи. Бу билан 15 миллион сўм соф даромад олиниши кўзда тутилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан корхона томонидан болалар дам олиш оромгоҳига 1 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 100 минг сўм, тумандаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳисобига 50 минг сўм, кам таъминланган оилаларнинг коммунал тўловлари учун 150 минг сўм пул ўтказиб берилди.

– Келажакдаги режаларимиз янада катта, – дейди корхона раҳбари Ҳамид Мирзакаримов. – Яқин кунлар ичида корхонамизнинг ўзида ёғоч маҳсулотларидан эшик-ромлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Шлакоблок, бетон плиталар ишлаб чиқаришни ҳам кўзлаб турибмиз.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

# ЙОД ТАНҚИСЛИГИ АКЦИЯСИ

**Тошкентда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан йод танқислиги ва темир моддаси етишмовчилигининг олдини олиш ишларини тарғиб қилишга бағишланган ёшлар акциясининг республика босқичи ўтказилди.**



Инсон ҳаётида йод моддаси катта аҳамиятга эга. Ҳар бир истеъмол қилаётган маҳсулот таркибидаги йод миқдорини билиш учун эса албатта маълум бир тушунчага эга бўлиш керак. Ана шу мақсадда ўтказиб келинаётган йод танқислиги акциясининг республика босқичида Тошкент шаҳридаги мактаблар қошида ташкил қилинган ўттиз олтита соғломлаштириш оромгоҳи тарбияланувчилари иштирок этиб, соғлом турмуш тарзини яратишда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлишди. Акция давомида болажонларнинг маданий ҳордиқ олишларини таъминлаш мақсадида ўзбек эстрада юлдузлари иштирокида концерт дастурлари ҳам ташкил этилди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс».**

# ЧЕҲРАСИДА ОЙ КУЛГАН АЁЛ

**Аёл чеҳрасидаги ойни оиланг осмонидаги офтобга менгзаш мумкин. Зеро, оила осмонидаги нурда ҳикмат бор. Бу оиладаги меҳру муҳаббат, файзу барака, қадр-қиммат ҳикмати. Қадр кўрган, оқибат кўрган инсон юз йил яшаса ҳам зерикмайди. Болишида бахт балқған эру хотин олтмиш, етмишу саксонда ҳам яйраб яшайди, тилидан шукрона тушмайди.**

Аслида ҳамма ҳам бу дунёга бахтли яшаш учун келган. Аммо бахт оқиб ётган дарё, қайнаб турган булоқ эмаски, пақирингни тўлдириб олиб кетсанг. Бугун бозордан истаган нарсани топиш мумкин, бахтни эса сотиб олиб бўлмайди. Шу боис ҳам аллома шоиримиз:

*Тақдирни қўл билан яратур одам,*
*Ғойибдан келажак бахт бир афсона,*

деганларида минг карра ҳақ бўлганлар.

Инсон кўнглида қачон ҳавас юз очади? Менимча, ўзида йўқ хислатларни ўзгада кўрганда. Инсоннинг биринчи бахти иссиқ истарасида. Майли у аёл, майли эркакдир, истараси иссиқ одамларни кўрганда киши бир неча дақиқа нигоҳини узолмай қолади. Бахтнинг мукаммал кўринишларидан яна бири кўнгил гўзаллиги билан чеҳра гўзаллигининг мутаносиблигидир. Бундай инсонларнинг изларида ҳавас ва ҳайрат ирмоқлари оқади. Бу тоифадаги одамлар ҳаётдан маъни, ҳикмат қидириб яшайдилар. Энг аввал остонасини озода тутади. Озода остонага эса иллат йўламайди. Оиласида бахти бор инсон кўчага ёруғ юз билан чиқади, қаддини тик тутиб юради. Бир сўз билан айтганда, умридан барака топади...

Мен Маҳбуба Юсуповани умридан барака топиб яшаётганларнинг бири деб биламан. Сабаби, бугун опани Янгийўл туманида, шаҳрида ҳамма танийди, ҳурмат қилади. Опа бу ҳурматни тилаб олмаган, сотиб олмаган. Аёл ориятига бўлган ардоқ, касбига бўлган муҳаббат, яқинларига, дўсту ёрларига кўрсатган меҳру оқибат Маҳбуба опани элга яқин, кўнгилларга суюкли қилди.

Одатда баъзи бир аёллар турмуш ўртоқлари амалдор бўлиб қолса туппа-тузук ишлаб турган жойларини ташлаб кетадилар. Зебу зийнат асирига айланиб, калондимоғ бўлиб қоладилар. Маҳбуба Юсупова ундай қилмади. Аввал синфдош дўсти, кейин ардоқли, муҳаббатли умр йўлдоши бўлган Абдуғани Юсупов туманга ҳоким бўладими, ўз вақтида машҳур, бой-бадавлат, 30 минг аҳолиси бўлган «Ниёзбош» ширкат хўжалигига раис бўладими, опа камтаринликни йўқотмади. Машаққатли касб – журналист деган ҳаловатсиз, аммо ҳароратли ишни тарк этмади. Мана 42 йилдирки, Маҳбуба Юсупова суюкли даргоҳи – «Янгийўл» газетасининг жонкуяр, жафокаш журналисти. Дастлаб 1965 йилда ишни оддий мусаҳҳиҳликдан бошлаб, кейин хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири бўлиб ишлади. 1980 йили эса шу газетанинг масъул котиби этиб тайинланди. Мана 27 йилдирки, Маҳбуба Юсупова «Янгийўл» газетаси таҳририятининг устоз журналистларидан бири.

Журналистика соҳасидаги талай йилги тажрибамдан келиб чиқиб комил-ишонч билан айтишим мумкин, айрим қаламкашлар борки, қоринлари тўйса, жиндек «жир» битса, ёзгилари келмай қолади. Ўз касбига ўзи менсимайроқ қарайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Маҳбуба Юсупова эса касбига бўлган садоқати туфайли элнинг назарига тушди, устоз журналистга айланди. Одатда туман газетасида доимо ўқимишли материалларга тахчиллик сезилади. Шу боис отахон адибимиз Саид Аҳмад «Яхши ёзувчи бўламан, деганлар ишни туман газетасидан бошлашлари керак», деганлар.

Маҳбуба Юсупова ўз устида тинмай ишлади, изланди, олий маълумотли журналист бўлди. Ўтган йиллар мобайнида туман, шаҳар ҳаётидан, турли касб эгалари ҳақида юзлаб ҳароратли, ҳавасли, гоҳида армонли, аламли мақолалар, лавҳалар, ҳикоялар ёзди. Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига болалар шоири Абдураҳмон Акбар билан ҳаммуаллифликда «Ниёзбош истиқбол сари» номли маърифий-ҳужжатли рисоласини яратди. Бу китоб бугун ўз ўқувчилари қўлида ўқилмоқда.

Маҳбуба Юсупованинг кўп йиллик самарали меҳнати муносиб баҳоланди. Бир неча бор Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фахрий ёрлиқларига сазовор бўлди. 2000 йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Умр оқар сув, деган сўз тилда тез-тез такрорланади. Дарҳақиқат, умримиз шитоб билан ўтмоқда. Маҳбуба опа куёв кўрди, келин туширди. Қуда-андаларнинг борди-келдиси, турмуш ташвишлари, қалам билан, тўғрироғи, игна билан қазилган қудуқ тундай қаро сочларга оқ оралатди. Бу оқ толалар аслида она дилидаги оппоқ ниятларнинг нури. Зеро, она қалбига оламдаги барча эзгуликлар жам бўлган. Шу боис уйида оналари бор фарзандлар бахтнинг эшигини калитсиз очадилар. Онанинг хушнуд ва хуррам нигоҳи ҳар қандай қаҳрни қайириб ташлайди.



Абдуғани Юсупов – бу салобатли, камтарин, камсуқум инсонни Тошкент вилояти аҳли билади ва ҳурмат-иззат қилади. Вилоят Кенгаши депутати, фаол жамоатчи, кўплаб қишлоқ хўжалик ходимларининг устози, пахтакору ғаллакор, боғбону соҳибкорлик илмининг билимдони сифатида эл назарига тушган. Абдуғани ака доимо кўчада хуш чеҳра билан юрадилар. Бунинг боиси бор. Маҳбубаси меҳрибон, оиласида ором бор. Аёли яхши эркакнинг боши ҳамиша баланд бўлгай.

Беихтиёр ният қиламиз: ана шу бахт, бахтиёрлик, кўкси баландлик бу умр соҳибларини тарк этмасин. Етмишу саксон, тўқсону юзга ҳам қўл ушлашиб бирга борсинлар. Фарзандлари камол топсин, юртга юз бўладиган набиралари кўп бўлсин. Маҳбуба опанинг қаламларидаги қўрга, қалбидаги муҳаббатга, ҳикматга кўз тегмасин. Опанинг иш столига боришни орзу қилган оппоқ қоғозлар кўп ҳали. Агар билсангиз, чеҳрасида ой кулган аёлларни қаламу қоғозлар ҳам хуш кўради.

*Аёл эъзоз учун яралган зотдир,*
*Аёлга эҳтиром ярашар асли,*
*Бир оғиз ширин сўз унга нажотдир,*
*Аёл бор, бахтиёр одамзот насли.*

**Маҳмуд ТОИРОВ.**

*— Эй, Очилбой, кейинги йилларда ён-атроф буткул ўзгариб кетди. Мана бу равон йўлларни кўр, ҳашаматли биноларга қара...*



**Еркебой БОТИРОВ сурат-лавҳаси.**

## Бир шингил табассум

*Сичқонга қопқон сотадиган фирманинг вакили эшик қоқди.*

*– Бизда қопқон бор, – деди уй эгаси.*

*– Лекин бизнинг қопқонимиз янги ихтиро қилинган қопқон – у ичида сичқони билан сотилади.*

☹ 😐 ☺

*Бир оилада фарзанд туғилди-ю, у ўн беш ёшигача тилга кирмай юраверди. Ниҳоят, бир куни нонушта пайтида у тўсатдан тилга кирди:*

*– Овқат тагига олиб кетипти-ку!*

*– Нега шу пайтгача гапирмагандинг? – деб ҳайрон бўлишди ота-она.*

*– Шу пайтгача ишлар жойида эди-да...*

☹ 😐 ☺

*Профессор соябонини йўқотиб қўйди. Кун бўйи қайси дўконга кирган бўлса, ҳаммасига бирма-бир кириб, соябонини суриштирди. Ниҳоят, йўқолган нарса боққоллик дўконидан топилди.*

*– Бутун шаҳардаги дўкончилар ичида, – деди профессор дўкон эгасига, – бирдан-бир ҳалоли ўзингиз экансиз. Қолганларининг ҳаммаси соябонингни кўрмаганмиз дейишди.*

Спорт | Спорт |

# ТОШКЕНТДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

**Тошкент шаҳрида 16-18 ёшли ўсмирлар ва қизлар ўртасида шахмат бўйича Осиё чемпионати беллашувлари ниҳоясига етди. Унда юртимиз шахматчилари билан бирга Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган юздан зиёд спортчи ўн кун мобайнида совринли ўринлар учун куч синашди.**

FIDE – Халқаро шахмат федерацияси қоидаларига мувофиқ Швейцария тизими бўйича ўтказилган мусобақаларда 18 ёшгача бўлган ўғил болалар баҳсида ўзбекистонлик Андрей Квон тўққиз имкониятдан 7,5 очко жамғариб, Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Шунингдек, 7 очкони қўлга киритган Эрон вакили Х. Тойфичи иккинчи, 6,5 очко билан кифояланган қозоғистонлик Р. Жумабоев учинчи ўринни банд қилди.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда жами 6,5 очко тўплаган қозоғистонлик А. Русбоева ғолиб чиқди. Кейинги ўринлар бир хил – олтитадан очко жамғарган ўзбекистонлик Ю. Ҳамроқулова ва ҳиндистонлик М. Киранга насиб қилди.

16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги мусобақалар ҳам кескин ва муросасиз курашларга бой бўлди. Унда ўғил болалар ўртасида ҳиндистонлик Б. Адхибан 8,5 очко билан шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олган бўлса, унинг ҳамюртлари – С. Нитин 7, С. Сетхураман эса 6 очко тўплашга эришди.

Қизлар ўртасидаги мусобақаларда қозоғистонлик Г. Накхбоева етти ярим очко жамғариб, биринчи ўринни қўлга киритди. Ҳиндистон вакилалари К. Бхакти етти, Р. Падмини олти ярим очко билан кейинги ўринларни баҳам кўрди.

**Қ. ҚАРШИЕВ, ЎзА мухбири.**

# КОРЕЯДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

**Жанубий Кореянинг Тонёнг шаҳрида триатлон бўйича ўтган Осиё чемпионатида қитъанинг ўн тўрт давлатидан келган 166 нафар спортчи ғолиблик учун куч синашди.**



Чемпионатда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Артём Михеев 19-23 ёшлилар ўртасидаги мусобақаларда кумуш медални қўлга киритган бўлса, Иван Морозов катталар ўртасидаги беллашувларда бронза медалга сазовор бўлди.

# МЕДАЛЛАР ШОДАСИ



**Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида ёзги биатлон бўйича Осиё кубоги мусобақалари ниҳоясига етди. Унда ўзбекистонлик спортчилар ҳам муваффақиятли иштирок этиб, юртимизга медаллар билан қайтди.**

Мусобақаларда катталар ўртасида Мурод Ҳожибоев, ёшлардан Анузар Юнусов ва Зарема Мамедова, ўсмирлардан Жамшид Тиллаев учтадан олтин медални қўлга киритди.

Шунингдек, биатлончиларимиздан Рустам Мемедов ва Динара Мидинова учтадан кумуш, Дилафрўз Имомхусанова икки бронза ва бир кумуш ҳамда Анна Дреева биттадан кумуш ва бронза медалга эгалик қилди.

# ФАРИД – ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

**Украинанинг Ялта шаҳрида армрестлинг бўйича ўтган халқаро турнирда Ўзбекистон спорт шарафини икки карра жаҳон чемпиони Фарид Усмонов ҳимоя қилди.**



Ҳамюртимиз турнирнинг дастлабки беллашувларида 95 килограммдан ортиқ вазнлилар ўртасида ҳар икки қўл натижаларига кўра, барча рақибларини мағлубиятга учратди ва финалга йўлланма олди. Фарид Усмонов ҳал қилувчи баҳсда россиялик Алексей Семеренко устидан ҳам ғалаба қозониб, турнирнинг мутлақ ғолиби бўлди.

**ЎзА.**

# ШОҲСУПАНИНГ ИККИНЧИ ПОҒОНАСИДА

Украинада юнон-рум кураши бўйича ўтган анъанавий халқаро турнирда дунёнинг 19 мамлакатидан келган 180 нафар спортчи совринли ўринлар учун куч синашди.

Турнирда ҳамюртимиз Шерали Шодмонов 55 килограмм вазн тоифасидаги полвонлар ўртасида иккинчи ўринни олди.

Маънавият

# ҲАЁ — ГЎЗАЛЛИК РАМЗИ



*«Ҳурматли таҳририят. Бир аёлдан ноҳақ эшитган танбеҳим мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Эрталаб, ишга кетаётган эдим. «Олой» бозори бекатидан автобусга ўта замонавий кийинган бир аёл чиқди. Ўрта ёшли бу аёлнинг кийган тор шими, аъзойи баданига ёпишиб турган калта кофтасидан ҳайратда қолиб, кўпчилик беихтиёр унга қаради. Билмадим, у одамлар нигоҳидан хижолат тортдими ёки такаббурлигини намоён этибми, ишқилиб нима бўлсада аламини мендан олди.*

*– Қанақа сурбет йигитсан? Умрингда аёл зотини кўрмаганмисан? Бунча тикиласан?*

*Дабдурустдан отилган ўқдек бу сўроққа нима деб жавоб беришни билмай қолдим. Кейин андиша билан «Бутун йўл бўйи кўзимни юмиб кета олмайманку, опа. Кўз қараш учун яратилган бўлса, менда нима гуноҳ?» деб жавоб бердим.*

*Аёл баттар қизишиб, мени андишасизлик, беҳаёлик, маданиятсизликда айблади. У билан айтишиб, обрў топа олмаслигимни билиб, одамлардан хижолат тортганимдан манзилимга етмаёқ автобусдан тушиб кетдим.*

*Лекин аёл томонидан менга ноҳақ отилган «тош» нақ юрагимга теккан экан шекилли, анчагача ўзимни қўярга жой тополмай юрдим. Мана, орадан бир неча кун ўтдики, ҳали ҳам ўша воқеа, аёлнинг сўзлари хаёлимдан нари кетмай қолди.*

*Айтинг, «модний» кийинган ўша аёлга қизиқсиниб, қараганим айбми? Ёки айб атайлаб ўзини одамларга кўз-кўз қилиш учун ёшига ярашмаган либос (агар шундай аташ мумкин бўлса) кийган аёлдами? Сизлардан шу саволга жавоб кутиб қолувчи Исроил Одилов, хизматчи».*

Бу хатга нима деб жавоб беришни билмай, анча ўйландик. Томонлардан бирини оқ, иккинчисини қора қилиб кўрсатиш бироз ноқулай кўринди. Бегуноҳ йигитга ўша аёлга қараб нима қилардингиз, дейиш ноҳақлик. Сабаби унинг ўзи айтганидек, кўз инсонга кўриш, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга тўғри муносабатда бўлиш учун берилган. Ўз таъбирича маданиятли, ёки замонавий кийинган аёлга «Башаранг қийшиқ бўлса ойнадан ўпкалама» қабилида сўз айтсак, шу хил кийинишни ўзига эп билган аёлу қизларимизнинг кўнгилларини ранжитган бўламиз. Шуни назарда тутиб, гап эгасини топар, деган мазмунда бир-иккита ҳаётий мисолларга мурожаат қилишни лозим топдик. Қиссадан ҳисса чиқариш эса ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Яқинда жамоат транспортида қизиқ ҳолат рўй берди. Ўта замонавий (калта юбка, тор кофта) кийиниб олган аёл уч-тўрт ўриндиқлар бўш бўлишига қарамай, ўзини кўз-кўз қилаётгандек тик туриб қолди. Чиптачи аёлга жой кўрсатиб, «ўтиринг опа» дея балога қолди.

– Битта сен қолувдинг, менга хушомад қилмаган. Ўзгага гап отгунча чиптангни сотсангчи, – жеркиб берди аёл.

– Кечирасиз опа, мен сизга хушомад қилаётганим йўқ. Жой кўрсатяпман. Уйда чиройли хотиним, иккита болам бўла туриб нега сизга гап отай.

– Хотининг, боланг бўлса, нега менга қараб, кўзингни лўқ қилиб турибсан.

– Қўйинг, сиз билан адибади айтишишга вақтим йўқ. Ихтиёр ўзингизда. Хоҳланг ўтиринг, йўқса ўзингиз биласиз.

Чиптачи йигит йўловчилардан ийманиб, нари кетди.

Кимдир айтган экан: «Одамларнинг қилмишига, юриш-туришига қараб, яхши-ёмонни фарқлайсан». Бу гапни ким, қайси маънода айтганини билмадим-у, агар одобсизликка йўйилмаса, ҳар бир инсоннинг ўзида ҳам, кўзида ҳам қизиқиш бор. Хоҳлайсанми, хоҳламайсанми, у сенга, кийинишингга қизиқсиниб қарайди. Гул ва тиканга қарагандек бу қараш ё унга завқ бағишлайди ёки ранжитади. Шундай экан, ҳар қандай ҳолатда ҳам «нега менга қарайсан», дейиш, «Тўхта, мен келяпман, кўзингни юмиб ўтир», дейиш билан баробар.

Бир дўстим шундай ҳикоя қилади.

– Институтни битираётган ўғлим, кимгадир қўнғироқ қила туриб, бегона жойга тушиб қолибди. Гўшакдаги қиз зерикиб ўтирган шекилли, ўғлим билан у ёқ бу ёқдан гаплашиб қолибди. Танишув, суҳбат охирида қиз ўғлимни учрашувга таклиф этиб: «Эртага мен сизни Навоий театри олдида фалон вақтда кутаман», дебди. Шунда ўғлим: «Мен сизни танимасам, одамлар орасидан қандай топаман» деса, қиз: «Мен тор шим, бели очиқ қизил кофта кийган бўламан. Дастимда қўл телефонини тутиб, фаввора олдида тураман», дебди. Ўғлим бор гапни кула-кула оқизмай-томизмай онасига айтиб берибди. Шунда онаси: «Ахир қиз қидириб ўлиб бўлдим. Борақол, балки ўша қиз сенга ёқиб қолар» деса, ўғлим: «Тор шим, бели очиқ кофта кийган қиз сизга келинликка ярамайди, ойижон», деб учрашувга бормабди.

Айтингчи, қайси иффатли қиз нотаниш йигитни биринчи бўлиб учрашувга таклиф этади? Ҳали умрида бирор марта кўрмаган одамнинг олдига нега алламбало кийимда келади? Ўйлаймизки, ўз шаънини қадрлаган, ор-номусини улуғлаган ҳар қандай қиз бу хилдаги енгилтакликдан йироқ бўлади.

Тунов куни Ғафур Ғулом боғида набиралар билан сайр қилиб юриб, нуроний бир отахон билан суҳбатлашиб қолдик.

– Тавба-тавба, – дейди у рўпарасидан ўтиб бораётган ярим бели очиқ қизларга қараб, – бу қандай бўлди. Ёшлардан нега бу қадар ҳаё кўтарилиб бораяпти? Бу тоифа беибо қизжувонларнинг уйда ота-онаси, ака-укалари, эрлари бордир ахир. Нега улар қизлари, сингиллари, аҳли аёлларининг бу хилдаги кийинишини кўра била туриб, уларни тартибга чақирмайдилар. Ёки улар ҳам ўзбек аёлига бутунлай ёт бўлган бундай кўринишга кўникиб қолишдими?

Хуллас, бу мавзуда гапираверсак гап кўп. Индаллосини айтганда, аввало баъзи қизларимиз, ёшланг аёлларимизнинг бундай кийим кийиб юриши бизнинг одатимизга, урфимизга ғайри табиий. Албатта, биз замонавий модага қарши фикр юритиб, ўзгаларга ундоқ кийининг, бундоқ кийининг деб ақл ўргатмоқчи эмасмиз. Ҳар кимнинг хоҳиши, ихтиёри ўзида. Лекин мода орқасидан қувиб, ҳаё-иффатни йўқотиш номақбул кўринади. Ҳар қалай, аёл ҳаёси билан гўзал. Шундай экан, аёлнинг ўзлигини йўқотмай, фаросат билан кийингани маъқул. Зеро, замонавийлик ҳаддан ташқари очиқ-сочиқ кийим билан эмас, балки чиройли ва бежирим ўзбекона либослар билан белгиланади. Билингки, қайсидир аёлга айтилган ёмон гап барча аёллар шаънига доғ туширади.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.**


Миробод туманидаги хусусий тадбиркор "Беккулов Ахралжон Субханкулович" номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан 2004 йил 6 январда хусусий тадбиркор Газизова Наталья Валерьевна номига берилган 1000354 рақамли патент йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

П. Боровский номидаги коллеж томонидан 2005 йилда Цой Инна Вилориевна номига берилган К № 274848 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод туманидаги 247-ўрта мактаб томонидан 2006 йил 26 июнда Сидячих Вероника Александровна номига берилган И № 2297641 рақамли 9-синфни тугатганлиги тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Охунбобоев номли республика тиббиёт билим юрти томонидан 2002 йилда Аширбоева Умида Абдулазизовна номига берилган Т № 057698 рақамли "Ҳамширалик иши" мутахассислиги бўйича диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**"XASANBOY OTA NON"**
масъулияти чекланган жамиятида 2007 йил 18 июль куни соат 10.00 да навбатдан ташқари умумий йиғилиш бўлиб ўтади.
Кун тартибидаги масала: 17,83 фоиз давлат улушини сотиб олиш.
**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, К. Ғофуров кўчаси, 69-уй.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
**Муассис:** ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Телефонлар:** Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

**Манзилимиз:** 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-640. Адади 3748. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.*

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 6